

**РАСУЛЕВ Алишер Файзиевич,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси  
профессори, иқтисод фанлари доктори;

**УБАЙДУЛЛАЕВА Фотима Алишер қизи,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси  
ассистенти

# ЁШЛАР ЎРТАСИДА ИШСИЗЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ

УДК 331.56

---

## **РАСУЛЕВ А.Ф., УБАЙДУЛЛАЕВА Ф.А. ЁШЛАР ЎРТАСИДА ИШСИЗЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ОҚИБАТЛАРИ**

Мақолада ёшлар меҳнат бозорининг ўзига хос жиҳатлари, ёшлар ўртасида ишсизликка таъсир қилувчи омиллар, унинг моддий ва ижтимоий оқибатлари таҳлил этилиб, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ёшлар ўртасида бандликни ошириш борасидаги чора-тадбирлар кўриб чиқилган.

Таянч иборалар: ёшлар ўртасида ишсизлик, ёшлар бандлиги, ёшларнинг меҳнат бозори, ишга жойлашиш муаммолари.

---

## **РАСУЛЕВ А.Ф., УБАЙДУЛЛАЕВА Ф.А. ФАКТОРЫ ВЛИЯЮЩИЕ НА МОЛОДЕЖНУЮ БЕЗРАБОТИЦУ, МАТЕРИАЛЬНЫЕ И СОЦИАЛЬНЫЕ ПОСЛЕДСТВИЯ БЕЗРАБОТИЦЫ**

В статье проанализированы особенности рынка труда среди молодежи, факторы влияющие на молодежную безработицу, а также экономические и социальные последствия данного вида безработицы. Рассмотрены основные направления политики занятости среди молодежи Международной организации труда.

Ключевые слова: молодежная безработица, молодежная занятость, рынок труда молодежи, проблемы трудоустройства.

---

## **RASULEV A.F., UBAYDULLAEVA F.A. EMPLOYMENT AMONG YOUTH AND FACTORS INFLUENCING TO THAT FORM OF UNEMPLOYMENT**

There is analyzed in the article characteristics of young people labor market, factors affecting youth unemployment, as well as the material and social consequences of unemployment's thatform. The main directions of the youth employment policy of the International Labor Organization are considered.

Keywords: youth unemployment, youth employment, youth labor market, labor problems.

**Ёшлар меҳнат ресурсларининг энг фаол қисми ҳисобланади. Аҳолининг мазкур категорияси юқори мослашувчанлик, тез ўқиб ўрганиш, ностандарт фикрлаш қобилиятига эга. Шу билан бирга, ёшлар меҳнат бозорида бошқа категориядаги инсонларга нисбатан паст рақобатбардошликка эга эканлиги уларни энг таъсирчан гуруҳга айлантиради.**

Ёшларни иш билан банд қилишдаги муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари сифатида бир қанча омилларни келтириш мумкин. Биринчи навбатда уларда етарли даражада меҳнат тажрибасининг мавжуд эмаслиги. Иш берувчи тажрибасиз ҳодимни ишга олишдан манфаатдор эмас, чунки у доимо минимал харажатлар орқали ишчи кучидан қисқа муддат ичида самарали натижа олишни истайди. Бундан ташқари, ёш мутахассис иш билан параллел равишда ўз устида ишлашни давом эттиришга ҳаракат қилади, бу эса иш жараёнидан узилишга олиб келади.

Ёшларни иш билан таъминлаш мураккаб ва долзарб муаммо ҳисобланади, зеро, етарли даражадаги иш тажрибаси ҳамда қўшимча кўникмаларга эга бўлмаган ёш ишчи кучига бўлган талаб унчалик юқори эмас. Ёшларни иш билан банд қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга иш берувчилар ўртасида ёш мутахассилар тўғрисида шаклланган фаразларни киритиш мумкин. Бугунги кунга келиб ёшларда мустақил қарорларни қабул қилиш бўйича тажрибанинг йўқлиги, билим ва кўникмаларнинг етарли эмаслиги, бозор шароитларида эгалланган касб бўйича амалий тажрибаларнинг мавжуд эмаслиги «битирувчилар иш берувчилар томонидан қўйиладиган талабларга жавоб бермайди» деган фикрнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Иккинчи гуруҳ ёшларнинг меҳнат ва бандлик соҳасида мослашиш йўллари тўғрисидаги асосиз фикрлар билан боғлиқ. Бу келажакда ўз касбини танлаш, кейинчалик эса ўз касбий истиқболини белгилашда намоён бўлади. Абитурентлар одатда таълим олиш мутахассислигини ишчи кучи бозоридаги реал ҳолатни таҳлил қилишдан келиб чиқиб эмас, келажакдаги иш тўғрисидаги идеал фаразлардан келиб чиққан ҳолда танлашади.

Учинчи гуруҳ омиллари бўлиб ёшларнинг катта қисми ўртасида меҳнат унумдорлиги пасайиш жараёни ҳисобланади. Ёшлар ўртасида

гуманитар йўналишдаги касбларга бўлган талаб юқоридир. Бунда техник йўналишдаги касбларга қизиқишларнинг пасайиш тенденцияси кузатилади. Бу сабаблар ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш борасида муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Аслида бандликни таъминлашнинг муаммоларини ечиш нафақат ёшларнинг, балки давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда манфаатдор объектларнинг зиммасида ҳисобланади.

Ёшлар ўртасидаги меҳнат бозори ўзига хос хусусиятларга эга. Биринчидан, ушбу бозор ёшларнинг ижтимоий-касбий йўналиш тўғрисидаги фикрининг шаклланмаганлиги, мутахассислик борасида ўзгарувчанлик билан ифодаланадиган талаб ва таклифнинг беқарорлиги билан ҳарактерланади. Ёшларнинг шахс сифатида ривожланишига таъсир қилувчи сиёсий ва ижтимоий омилларнинг тубдан ўзгариши билан боғлиқ ҳолда, ёшларнинг ижтимоий муаммоларининг кучайиши ушбу ҳолатни янада оғирлаштиради. Бу эса ўз навбатида, ёшларнинг ўзини англаш ва мутахассислик борасида муаммоларнинг кучайишига олиб келади.

Иккинчидан, ёшларнинг меҳнат бозорида бошқа ёш гуруҳларига нисбатан рақобатбардошлининг пастлиги. Ёшлар ўртасида иш жойини йўқотиш ёки ишга жойлаша олмаслик хавфи кўпроқ кузатилади. Иш кучи бозорига илк бора қадам қўяётган ишчи кучи ишга жойлашиш имконияти чекланганлигидадир.

Меҳнат бозорида талабнинг чегараланганлиги таълим муассасалари битирувчилари ўртасида ишга жойлашиш имкониятларини қисқартиради.

Учинчидан, ёшларнинг меҳнат бозорида тез мослашувчан эмаслиги. Ушбу бозорга барча мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича таълим муассасалари битирувчилари ишчи кучи таклифи сифатида иштирок этишади. Маҳаллий ишчи кучи бозорида эса таълим муассасалари томонидан тайёрланаётган мутахассисликлар бўйича иш ўринларининг мавжуд эмаслиги сабабли кўп ҳолларда ёшлар ўз мутахассисликла-

рига мос келмайдиган иш ўринларига жойлашишга мажбур бўладилар. Ҳар йили битирувчиларининг ҳар тўртинчиси қайта тайёрлаш ёки иккинчи мутахассилик бўйича таълим олиш учун потенциал номзодга айланади. Бундан ташқари, ҳар бешинчи ёш мутахассис<sup>1</sup> таълим муассасасини битирганидан сўнг биринчи иш йилидаёқ касби, меҳнат фаолияти йўналишидан қониқмаганлиги сабабли ишдан бўшайди.

Тўртинчидан, ёшлар меҳнат бозорида аёллар бандлиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Чунки иш берувчилар мутахассисни ишга олиш жараёнида аёлларга нисбатан эркакларга кўпроқ мойиллик сезилади.

Ёшлар ўртасидаги ишсизлик Европа ҳудуди ва ривожланаётган мамлакатлардаги энг асосий муаммолардан бирига айланди. Бу муаммо собиқ социалистик мамлакатларни ҳам четлаб ўтмаган. Армения, Грузия ва Украинада ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларидаги ишсизлик даражасига тенг<sup>2</sup>. Шунингдек, ёшларнинг ишчи кучи бозоридаги муаммолари кенгроқ қўламга эга, зеро, одатда ёшлар ишга жойлашган тақдирда ҳам ушбу иш ўринларини муносиб, деб айтиш қийин. Чунки кўп ҳолларда ёшлар ўз ҳақ-ҳуқуқларининг бузилишига дуч келишади, шунингдек, ёшлар тўлиқсиз бандликка рози бўлишади ва ноформал секторда меҳнат қилишга тайёрлар.

Жаҳон иқтисодиётининг ўсиш жараёни билан боғлиқ ноаниқликларнинг пайдо бўлиши шароитида, ёшлар ўртасидаги бандликни таъминлаш янада долзарброқ муаммога айланди.

Халқаро валюта фонди томонидан берилган маълумотларга кўра, 2016 йилда глобал иқтисодий ўсиш 3,1% ташкил этиб, бу 2015 якунида прогноз қилинган кўрсаткичдан 0,5% га камдир. 2016 йилнинг сўнгги кварталда иқтисодий ўсиш тезлашганлиги сабабли, ушбу тенденция сақланиб қолиши тахмин қилиниб, ХВФ томонидан 2017 йилда иқтисодий ўсиш 3,5

%, 2018 йилда эса 3,6 % ташкил этилиши прогноз қилинган<sup>3</sup>.

Жаҳон бозоридаги ижобий прогнозлар ривожланган мамлакатлар ҳамда ривожланаётган баъзи давлатлар иқтисодиётидаги қайта тикланиш суръатларининг жадаллашуви билан боғлиқдир. Аммо бу ижобий прогнозларга қарамасдан, келажакда глобал инвестициялар ҳажми ва бандлик тўғрисидаги қарор ноаниқлигича қолмоқда.

Дунё миқёсида ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси Жаҳон банкининг ҳисоботларига кўра 2016 йилда 13,6%га етди ва кейинги йилларда ушбу кўрсаткич бўйича пасайиш кузатилмайди. 2012-2015 йилларда ёшлар ўртасида ишсизлар сони 3 миллионга камайганига қарамасдан, 2016 йилда банд бўлмаган ёшларнинг сони 500 мингга кўпайиб, 71 миллионга етди<sup>4</sup>.

Юқори кўрсаткичлар Лотин Америкаси ва Кариб денгизи мамлакатларида (юқори даромадга эга мамлакатлардан ташқари) кузатилмоқда, 2014 йилда 14,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 16,8 фоизга етди. Халқаро меҳнат ташкилоти берган маълумотларга кўра, ривожланаётган мамлакатларда ёшлар ўртасида ишсизлик нисбатан барқарор бўлиб, 9,5%ни ташкил этди, аммо абсолют рақамларда ушбу кўрсаткич 7,9 млнни ташкил этиб, кейинги йилларда ишсиз ёшларнинг сони ишчи кучи сонининг ортиши ҳисобига ортиб боради. Ва ниҳоят, ривожланган мамлакатларда ҳам ушбу кўрсаткич нисбатан юқори бўлиб, 2016 йилда 14,5%ни ёки 9,8 млн кишини ташкил этган, аммо кейинги йилда 14,3%га тушиши прогноз қилинган<sup>5</sup>.

Ривожланган мамлакатлар учун ёшлар ўртасида юқори ишсизлик даражаси миллий иқтисодиёт трансформацияси учун йўқотилган потенциални акс эттиради. Шунингдек, катта миқдорда ишсиз ёшлар ижтимоий беқарорликка сабаб бўлиши мумкин. Ёшлар ўртасида юқори ишсизлик даражаси Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада (2016 йилда 29,7%), Жанубий Африка-

<sup>1</sup> Рацлаф А.А. Молодежная безработица / А.А. Рацлаф, А.В. Седова // Молодой ученый. – 2015. – № 11. – С. 959-961


<sup>2</sup> Молодежная безработица [Электронный ресурс] // Независимая газета от 25.04.2017. – Режим доступа – URL: [http://www.ng.ru/scenario/2017-04-25/10\\_6981\\_unemployment.html](http://www.ng.ru/scenario/2017-04-25/10_6981_unemployment.html)

<sup>3</sup> «Перспективы развития мировой экономики». Бюллетень основных прогнозов ПРМЭ. <http://www.imf.org/ru/Publications/WEO/Issues/2017/07/07/world-economic-outlook-update-july-2017>

<sup>4</sup> <http://data.worldbank.org/indicator/SL.UEM.1524.ZS?locations=MY>

<sup>5</sup> World Employment and Social Outlook 2016: Trends for Youth [http://www.ilo.org/global/research/global-reports/youth/2016/WCMS\\_513739/lang--en/index.htm](http://www.ilo.org/global/research/global-reports/youth/2016/WCMS_513739/lang--en/index.htm)

1-расм. Ёшлар ўртасидаги ишсизлик (15-24 ёш чегарасидаги ишчи кучи сонининг умумий миқдоридан % ҳисобида)<sup>1</sup>.



да (52,3%) Европа ва Марказий Осиё (юқори даромадли мамлакатлардан ташқари) – 18,1%, Марказий Европа ва Болтиқ бўйи мамлакатлари ҳудудларида (18,0%) қайд этилган<sup>2</sup>.

Собиқ социалистик мамлакатларнинг аксарият қисмида ёшлар ўртасида ишсизлик тенденцияси умумжаҳон тенденцияларга ўхшаш. 2016 йилда ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси ушбу гуруҳдаги давлатларида 5-18% чегарасида ўзгариб турган. Шу билан бирга, Арманистон ва Грузияда ушбу кўрсаткич мос равишда 38% ва 29%ни ташкил этиб, Украинада эса 21%дан ошиб кетди<sup>3</sup>. Украинадаги ушбу кўрсаткич кетма-кет уч йил давомида мамлакатнинг 20 йиллик тарихидаги рекорд кўрсаткичларни ташкил этди.

Ёшлар ўртасида юқори ишсизлик даражаси бутун Европа ҳудуди учун характерли яна бир муаммодир. Россияда ушбу муаммо олинган мутахассисликнинг меҳнат бозоридаги эҳтиёж-

нинг мос келмаслиги билан характерланади. Ҳукумат ушбу вазиятни ёшларни қўшимча касб бўйича таълимни ташкил этиш ва бошқа тадбирлар орқали юмшатишга ҳаракат қилмоқда.

Ёшлар ишсизлиги ўртасидаги яна бир муҳим ва таҳликали ҳолат «қашшоқ ишловчилар» сонининг ортиб бораётгани, улар меҳнат қилаётганига қарамасдан кам таъминланганлар қаторида қолаётганидир. Дунёдаги 156 миллион ёш (бу ишловчи ёшларларнинг 37,7%и) бугунги кунда ўта қашшоқлик (яъни, бир кунда аҳоли бошига 1,90 АҚШ долларидан кам) ёки мўътадил қашшоқлик (яъни, 1,90 АҚШ доллари ва 3,10 АҚШ доллари ўртасида) шароитида яшамоқда. Ёши катта ишловчилар ўртасида бу кўрсаткич 26%ни ташкил этди<sup>4</sup>.

Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларда ишловчи ёшлар қашшоқликка дучор бўлишлари хавфи юқори (яъни, ўртача даромаднинг 60% дан камроқ қисмига кун кечиради). Масалан, 2014 йилда Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида умумий ишловчи ёшлар ўртасида қашшоқлик хавфига тегишлилар миқдори 12,9%ни, катта ёшлар ўртасида эса 9,6%ни ташкил этди<sup>5</sup>. Кам ойлик иш ҳақи билан бир қаторда, ёшлар кўп ҳолларда норасмий секторда,

<sup>1</sup> data.worldbank.org/indicator/SL.UEM.1524.NE.ZS?contextual=region&locations=MY


<sup>2</sup> Молодежная безработица: современные тренды и последствия [Электронный ресурс]. // Сайт Ассоциации «Центр исследований экономического и социокультурного развития стран СНГ, Центральной и Восточной Европы». Режим доступа – <http://rescue.org.ru/ru/news/analytics/5338-molodezhnaya-bezrobotitsasovremennye-trendy-i-posledstviya>

<sup>3</sup> Молодежная безработица [Электронный ресурс]. // «Независимая газета» от 25.04.2017. – Режим доступа – [http://www.ng.ru/scenario/2017-04-25/10\\_6981\\_unemployment.html](http://www.ng.ru/scenario/2017-04-25/10_6981_unemployment.html)

<sup>4</sup> World Employment and Social Outlook 2016: Trends for Youth [http://www.ilo.org/global/research/global-reports/youth/2016/WCMS\\_513739/lang--en/index.htm](http://www.ilo.org/global/research/global-reports/youth/2016/WCMS_513739/lang--en/index.htm)

<sup>5</sup> Five Characteristics of Youth Unemployment in Europe. <http://sgo.sagepub.com/content/5/1/2158244015574962>

2-расм. 2016 йилда ёшлар ўртасидаги ишсизлик (15-24 ёш чегарасидаги ишчи кучи сонининг умумий миқдоридан % ҳисобида)<sup>1</sup>



\* юқори даромадли давлатларни ҳисобга олмаганда.

тўлиқсиз иш куни ёки вақтинчалик иш жойларда ишлаши кузатилади. Масалан, Европа иттифоқининг 28 давлатида тўлиқсиз иш кунини ишловчи ёшлар 29%ни ва вақтинча ишловчилар 37%ни ташкил этди<sup>2</sup>.

Шунга ўхшаш ҳолат собиқ социалистик мамлакатларда ҳам кузатилади. Мисол учун, Қозоғистонда ёшларнинг кўп қисми норасмий секторда фаолият юритиши бандлик борасида энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Худди шундай муаммо Озарбайжонга ҳам хосдир. Касаба уюшмаларининг маълумотларига кўра, ушбу давлатда ёшлар бандлиги билан боғлиқ бўлган муаммо мавжуд эмас. Аммо, норасмий сектор таклиф қиладиган иш жойларининг аксарият қисми сифати паст.

Собиқ социалистик мамлакатларда ёшлар ўртасида норасмий бандлик ва бошқа салбий омиллар билан курашишда Халқаро меҳнат ташкилотининг Москва бюроси кўмаклашмоқда. Қозоғистон учун ХМТ мутахассислари томонидан 2020 йилгача бўлган давр учун ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш бўйича режалар дастури ишлаб чиқилган. Режа ишсизлик даражасини 5% миқдорда ушлаб туриш имко-

нини беради<sup>3</sup>. Озарбайжонда ХМТ иккита тажриба дастурини синовдан ўтказмоқда. Биринчи дастурга кўра, олий маълумотли битирувчиларни иш билан таъминлаганда улар иш ҳақининг ярми иш берувчиларга дотация сифатида тақдим этилади. Иккинчи дастур эса ўз-ўзини бандлик билан таъминлашни назарда тутди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иш қидириш билан боғлиқ муаммоларни қуйидаги бир қанча омиллар келтириб чиқараши ҳақидаги хулосага келишимиз мумкин:

– дунёдаги умумий иқтисодий ҳолат. 2016 йилга қадар 6 йил кетма-кет жаҳон иқтисодиёти қониқарсиз ўсиш кўрсаткичларини қайд этди. 2016 йилдан бошлаб дунё бўйича ижобий иқтисодий ўсиш тенденциялари кузатилаётган бўлишига қарамасдан, Европадаги сиёсий ноаниқликлар, жаҳон савдосига протекционизмнинг хавф солиши, жаҳонда молиявий тафовутларнинг кучайиши натижасида иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари яна пасайиши мумкин. Шунингдек, меҳнат унвдорлиги пасайиши иқтисодий ўсишнинг жадал суръатларда ўсишига тўсқинлик қилади. Бунинг асосий сабаби, 2008 йилдаги молиявий инқироздан кейинги хусусий инвестициялар ҳажмининг камайиши, савдо ҳажми ўсишининг секинлашуви

<sup>1</sup> data.worldbank.org/indicator/SI.UEM.1524.NE.ZS?contextual=region&locations=MY

<sup>2</sup> Ўша ерда.

<sup>3</sup> Fiscal policy and the youth labour market. [http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-ed\\_emp/documents/publication/wcms\\_466541.pdf](http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/-ed_emp/documents/publication/wcms_466541.pdf)

ҳамда аҳолининг қаришидир. Агар меҳнат унумдорлиги ўсиш суратлари 2008 йилгача бўлган даражада сақланиб қолганда, бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг ЯИМ кўрсаткичи 5%га юқори бўлар эди<sup>1</sup>. Бу жаҳон иқтисодиётига Германиядан каттароқ ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган мамлакат иқтисодиётини қўшиб қўйиш билан баробардир;

– ёшлар учун маълумотларнинг етарли даражада эмаслиги, айниқса, ижтимоий капиталга эга бўлмаган оилаларга мансуб ёшлар учун. Кўпгина ёшларга замонавий меҳнат бозори тўғрисидаги маълумотлар етишмайди. Бу эса уларга ўзининг меҳнат фаолияти истиқболларини тузиш борасида тўғри қарор қабул қилишларига тўсқинлик қилади. Мактаблар талаб даражасида касбга йўналтиришнинг реал кўникмаларини тайёрламайди;

– ёшларда мавжуд иш жойларга мос билим ва кўникмаларнинг йўқлиги. Таълим олганларнинг кўпчилиги одатда фақат назарий билимларга эга бўладилар, бу эса уларни ишда дуч келадиган долзарб масалаларни ечиш борасида муаммоларни келтириб чиқаради. Бу муаммоларга сабаб мактаб дастурлари ва таълим тизими билан иш берувчилар ўртасида алоқаларнинг кучсизлигидир;

– иш берувчи нуқтаи назаридан ёш мутахассислар етарлича меҳнат тажрибасига эга эмаслиги. Кўпгина иш берувчилар ёшларнинг имкониятларини қўллашга нисбатан салбий фикр юритадилар. Чунки кўп ҳолларда иш берувчилар ёшларни ўқитишга пул сарфлашдан кўра, ишсиз бўлган тажрибали ходимларни ишга олишни афзал кўрадилар;

– бошланғич даражадаги кўникмаларга мос келувчи шартномавий иш жойларининг мавжуд эмаслиги. Баъзи меҳнат бозорларида, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда, иш қидираётган ёшлар сони ва маҳаллий иқтисодий фаоллик ўртасида демографик номутаносибликнинг мавжудлиги. Иш ўринлари асосан саноат тармоқларида ёки норасмий соҳада мавжуддир.

Ушбу омиллар натижасида кўпгина ёшлар муносиб иш ўрнини олиш жараёнида, айниқса, биринчи бор ишга жойлашаётган вақтда муаммоларга дуч келадилар. Шу билан бирга, қийин иқтисодий вазиятларда биринчи навбатда ёшларни ишдан бўшатадилар, бу эса уларнинг би-

лим ва кўникмаларини ўстиришга тўсқинлик қилади. Натижада кўпгина ёшлар узоқ муддатли ишсизликка ёки иш жойларида тўлиқсиз бандликка дуч келишади.

Ёшлар ўртасидаги ишсизликнинг энг муҳим оқибатлари ҳозирги замон меҳнат бозори доирасидан ташқарига чиқиб, нафақат якка шахсларнинг ҳаёти, балки миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳон банкининг бир қанча тадқиқотларида кўра, меҳнат бозори интеграцияси билан боғлиқ муаммоларга дуч келган ёшлар, бутун ҳаёти давомида талабчан ва тез ўзгарувчан меҳнат бозорида барқарорлиги ва рабатбардошлигининг пасайишига сабаб бўлади.

Prince's trust тадқиқотларида ёшлар ўртасидаги ишсизлик узоқ муддатли иш ҳақи ва бандлик борасида йўқотишларга сабаб бўлиши исботланган. 22 ёшда 3 ой давом этган ишсизлик, 28-33 ёш оралиғидаги инсонлар ўртасида ишсизликнинг давомийлиги 1,3 ойга узайишига сабаб бўлади. 22 ёшгача бўлган шахслар 26 ой давомида ишсиз бўлсалар, одатда 26 ёшда ўз тенгдошларига нисбатан 1400-1650 АҚШ долларига, 30 ёшда эса 1050-1150 АҚШ долларига камроқ даромад топадилар<sup>2</sup>. Худди шунга ўхшаш тадқиқот натижалари The Economist журналі томонидан ҳам чоп этилган. Унга кўра, 23 ёшгача оралиқда бир йил давомида ишсиз бўлган шахслар, 10 йилдан сўнг ўз тенгдошларига нисбатан 23% камроқ, 20 йилдан сўнг 16% камроқ пул топадилар<sup>3</sup>.

Ёшлиқда узоқ муддат ишсиз бўлиш инсонларда моддий йўқотишлардан ташқари, ижтимоий йўқотишларга ҳам сабаб бўлади. Бунга мисол сифатида соғлиғи, овқатланиш рационининг ёмонлашуви, фарзандларга ажратиладиган вақтнинг қисқариши, жинсий ҳатти-ҳаракатга мойилликнинг ошишини келтириш мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, ёши катталарга нисбатан ёшлар ўртасида ишсизликнинг пайдо бўлишига кўпгина омиллар таъсир қилади ва жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Ушбу муаммо ўз долзарблигини иқтисодий ўсиш даврида йўқотмайди, инқироз даврида эса янада кучаяди. Турли ёш

<sup>2</sup> <https://www.princes-trust.org>

<sup>3</sup> The harm today's youth unemployment is doing will be felt for decades, both by those affected and by society at large Sep 10th 2011. [www.economist.com/node/21528614](http://www.economist.com/node/21528614)

<sup>1</sup> <http://www.imf.org/ru/News/Articles/2017/04/07/building-a-more-resilient-and-inclusive-global-economy-a-speech-by-christine-lagarde>

гуруҳлари ўртасида ишсизликнинг турли даражада бўлиши ижтимоий табақалашувга сабаб бўлади. Индивидуал шахсга нисбатан олиб қаралганда ёшлар ўртасида ишсизлик туғилиш даражасининг пасайишига олиб келади.

БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришиш ёшлар ўртасида ишсизлик ва уларга муносиб иш ўринлари етишмаслиги

каби муаммоларнинг ҳал қилиниши билан узвий боғлиқдир. Зеро, ёшлар ишсизлигини камайтириш мақсадида муносиб ижтимоий ва бандлик сиёсатининг олиб борилиши жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга асос бўлиб хизмат қилади.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Волонина Н.А. Безработица молодежи. // «Экономика, предпринимательство и право». 2012, № 1. –С. 14.
2. Рацлаф А.А., Седова А.В. Молодежная безработица. // «Молодой ученый», 2015, № 11. –С. 959-961
3. Молодежная безработица: современные тренды и последствия [Электронный ресурс] // Сайт Ассоциации «Центр исследований экономического и социокультурного развития стран СНГ, Центральной и Восточной Европы». – Режим доступа – <http://rescue.org.ru/ru/news/analytics/5338-molodezhnaya-bezrabotitsasovremennye-trendy-i-posledstviya>
4. Молодежная безработица [Электронный ресурс]. // «Независимая газета» от 25.04.2017. – Режим доступа – [http://www.ng.ru/scenario/2017-04-25/10\\_6981\\_unemployment.html](http://www.ng.ru/scenario/2017-04-25/10_6981_unemployment.html)
5. World Employment and Social Outlook 2016: Trends for Youth [http://www.ilo.org/global/research/global-reports/youth/2016/WCMS\\_513739/lang--en/index.htm](http://www.ilo.org/global/research/global-reports/youth/2016/WCMS_513739/lang--en/index.htm)
6. Five Characteristics of Youth Unemployment in Europe. <http://sgo.sagepub.com/content/5/1/2158244015574962>
7. Fiscal policy and the youth labour market. [http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/--ed\\_emp/documents/publication/wcms\\_466541.pdf](http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/--ed_emp/documents/publication/wcms_466541.pdf)
8. <http://www.ilo.org/dyn/youthpol/en/f?p=30850:1001:0::NO::>
9. «Перспективы развития мировой экономики». Бюллетень основных прогнозов ПРМЭ. <http://www.imf.org/ru/Publications/WEO/Issues/2017/07/07/world-economic-outlook-update-july-2017>
10. [www.economist.com/node/21528614](http://www.economist.com/node/21528614)